

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Обод маҳалла:
сийланган жойида
азиздир инсон

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллиги байрами арафасида Пискент туманининг энг чекка ҳудуди – “Сувти” маҳалласида катта бунёдкорлик ишлари якунига етказилди.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодий учрашувлардан бирида унинг шеърларини самимий олқишлар билан қарши олган мухлисларга қарата шундай деган эди:

– Худо ўзбегимнинг йигитларига шундай файз берсинки, хонадонидан меҳмон аримасин! Бекаларига кўп-кўп фарзандлар берсинки, ёпган бир тандир нонлари етмай қолсин!

...Пискентнинг “Сувти” маҳалласида ташкил этилган катта байрамга

бораётиб севимли шоиримизнинг ана шу гаплари ёдга тушди.

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида бир гуруҳ фахрийлар қаторида маҳаллага кириб борар эканмиз, обод кучанинг икки тарафидаги гўзал манзарадан кайфиятимиз кўтарилди. Онахонлар тўкин дастурхонлар атрофида чехрасида табассум билан, келинлар саватларда тандирдан узилган иссиқ нонлар билан қарши олишди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

■ Ҳамкорлик
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР,
МАНФААТЛИ КЕЛИШУВЛАР

Хитойнинг Чун Син шахрида Тошкент вилояти билан ҳамкорликда савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм бизнес форуми иш бошлади.



Унда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев нутқ сўзлади ва хитойлик тadbirkorларни Ўзбекистонда, хусусан, Тошкент вилоятида бизнес бошлашга таклиф этди.

Ҳозирда вилоятда Хитой билан ҳамкорликда фаолият юритаётган корхоналар сони 380 дан зиёд ташкил этади. Хитойлик ишбилармонлар орасида 300 миллион доллар инвестиция киритган “Сопс цемент” ва 100 миллион доллар инвестиция киритган “Dongfeng Trading” компаниялари самарали натижаларга эришмоқда. Шунингдек, келгусида ҳамкорликни яна кенгайтириш режалаштирилган.

Жорий йил октябрь ойида давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикасига амалий ташрифи давомида томонлар ўртасида юқори қўшилган қийматли инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни биргаликда ташкил этиш орқали юқори технологик лойиҳаларни кўпайтиришга келишиб олинди.

Айни пайтда Хитойда бўлиб турган Тошкент вилояти делегацияси форум доирасида 10 дан зиёд тақдирот ва музокарада қатнашди. Шунингдек, B2B форматида тadbirkorларнинг ўзаро мулоқотлари ҳам ташкил этилган. Музокарада ҳар икки томон мавжуд имкониятларини баҳолаб, лойиҳа истиқболи бўйича таклифлар билдиришмоқда.

Умуман, форум давомида қиймати 1 миллиард 300 миллион долларлик шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

Абдулазиз
МУСАЕВ

Обуна-2024

Вилоят бўйлаб



Хитойда ўтаётган форум доирасида **ТОШКЕНТ** вилоятида электромобиль учун қувватлагич ишлаб чиқариш бўйича дастлабки келишувга эришилди.

ОҚҚЎРҒОН туманининг “Бойғули” маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллиги муносабати билан “Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам!” оммавий юриш тadbiri ўтказилди. Шунингдек, “Нуронийлар” масканининг янги биноси фойдаланишга топширилди.



БЕКОВ шахридаги 15-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда “Меҳр-мурувватга ошно қалблар” мавзусида маърифий тadbir бўлиб ўтди. Унда “Қўғирчоқ” ҳаваскорлик театри жамоасининг эртак қаҳрамонлари тим-солидаги чиқишлари болаларга бир олам завқ улашди.



ЗАНГИОТА туманидаги “Қирғизар” маҳалласи бешлиги бошчилигида саховатпеша инсонлар ҳудуддаги ногиронлиги бўлган фуқароларга моддий кўмак кўрсатишди.



■ Хайрия акцияси



Нурафшон шахридаги Ёшлар марказида Халқаро ногиронлар кунини муносабати билан “Инсон қадри учун!” шиори остида “Юракдан юракка” номи хайрия акцияси ўтказилди.

Уч кун давом этган хайрия тadbirida вилоят сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, бўлим ва котибиятлар мудирлари, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, кўнгилчилар иштирок этишди.

Тadbirнинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Холмирза Ниёзов, вилоят бош имом-хатиби ўринбосари Абдухамид Маликов сўзга чиқиб, инсонийлик, меҳр-мурувват ва миллий қадриятларимиз ҳақи-

да, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга имкон доирасида саховат кўрсатиш эзгу фазилат экани хусусида фикр билдирдилар.

Шундан сўнг “YurakdanYurakka” хештеги остида ўтаётган акцияда Тошкент вилоятидаги Гематология ва қон қуйиш институтининг бемор болажонлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари томонидан ясалган маҳсулотлар намуналари сотуви ташкил этилди.

– Ёшлар ишлари агентлигининг ташаббуси ва амалий кўмаги билан ногиронлиги бўлган йигит-қизларнинг жамиятда ижтимоий мосла-

шувини таъминлаш, уларнинг ижодий қobiliятларини намойиш этиш мақсадида инклюзив таълим марказлари ташкил этилган, – дейди Оҳангарон туманидаги инклюзив таълим маркази координатори Феруза Йўлдошева. – Марказимизга 100 нафардан зиёд ногиронлиги бўлган, саломатлиги туфайли уй шароитида таълим олувчи 5 дан 30 ёшгача бўлган ўсмирлар ва ёшлар қамраб олинган.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ЮРАКЛАРГА
КЎЧГАН ЭЗГУЛИК

Ҳурматли газетхон!
“Тошкент ҳақиқати”га
2024 йил учун
обуна бўлишни
унутманг.

Хонадонингиз ва идора-
рангизга йил бўйи ҳафта-
да икки марта – чоршанба
ва шанба кунлари
кириб бориб, Сизни
зериқтириб қўймас-
лиққа, ўзини маслак-
дош бўлишга ка-
фолат берамиз!
Унутманг, оила-
да мутлоаа
маданияти га-
зета ўқишдан
бошланади!

Нашр
кўрсат-
кичи –
205.



Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради. Тадбирни очар экан, вилоят ҳокими жумладан шундай деди: – Ўзбекис-

рамга айланиб кетиши бундан 52 кун аввал ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган эди. Ўртбошимизнинг ташаббуси билан бошланган бу хайрли ишлардан сўнг "Сувти"-нинг қиёфаси тамоман ўзгарди. Уй-жойи таъмирга муҳтож ва ўта оғир шaroитда яшаётган 285 на-

маҳалла мисолида эзгу қадриятимиз бўлган ҳашарнинг куч-қудратини, биз бирлашсак нималарга қодир эканлигимизни яна бир бор ҳис қилдик. Дарвоқе, маҳалладаги ободонлаштириш тадбирлари хонадонлар ўртасида ҳам давом этди.

Обод маҳалла: Сийланган жойида азиздир инсон

"Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла" лойиҳаси асосида ташкил этилган байрам пискентлик ёшларнинг марафони билан бошланди. Ўртимиз байроғини шараф ва ғурур билан кўтариб келаётган йигит-қизларнинг кўзларида шу азиз Ватан менинг уйим, кўчам, маҳаллам деган ўйларни ўқиш мумкин. Нафақат сувтиликларнинг, балки вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан тадбирга таклиф этилган меҳмонларнинг ҳам юзларида табассум ва кайфиялари аъло.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Турли танлов ва номинациялар ғолибларига вилоят ҳокимлиги ҳамда "Нуроний" жамғармасининг кўрак нишонлари ва эсдалик совгалари топширилди.

Яна бир қувончли хабар: 52 кунлик ҳашарда каттаю кичика бош бўлган Кўчкор Кўзибоев раислик қилаётган маҳалла фаоллари ҳамда сувтилик шифокорлар шу кундан бошлаб янги биноларда фаолият юритишади.

...Эл суйган санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар янграб турган маҳаллага келаётган қарвонларнинг кети узилмайди. Бу каби обод манзиллар вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам юз очмоқда. Улар ҳақида келгуси сонларимизда ҳикоя қиламиз.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



фар фуқаронинг тураржойлари таъмирлаб берилди. 2 километрдан зиёд йўл шағаллаштириб, пидедалар йўлакларига барпо этилди. 4 километр масофага янги электр симлари тортилди. 368 та эски симёғоч бетон устунларга алмаштирилди. Тоza ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар ҳам ижобий ҳал этилди: 1.4 километр узунликдаги янги сув тармоғи тортилди. Аҳолига ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш йўналишида амалга оширилган ишлар ҳам қувонарли. Мухтасар айтганда, бир

Ю РА КЛА РГА КЎЧГАН ЭЗГУЛИК

Уларни касб-хунарга йўналтириш мақсадида "Бисерчилик", "Моҳир кўллар", "Декоратив безак" тўғрақлари ташкил этганмиз. Бу галги кўргазмага 30 турдаги юздан зиёд кўл меҳнати билан яратилган буюмларни олиб келдик. Уч кун мобайнида деярли барча маҳсулотларимиз сотилди.

Шунингдек, акцияда вилоятдаги барча корхона ва ташкилотлар ўз хайриялари билан иштирок этишди.



– Вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ҳамда туман ва шаҳар бўлимлари ходимларидан иборат икки мингдан зиёд вакилларимиз билан хайрия акциясида қатнашдик, – дейди бошқарма бошлиғи Элёр Акбаров. – Очиғи, митти кўллар билан яратилган буюмлар ҳар бир қатнашчининг юрагини забт этди, десам муболаға бўлмайди. Улар билан суҳбатла-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

шиб, ўз тенгқурларига нисбатан нуқсонлари бўлсада ҳаётга интилишлари, янгиликларга қизиқишларини кўриб, барчамиз таъсирландик.

Бу каби тадбирлар нафақат хайрия улашиш мақсадида, балки одамлар орасида меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга замин яратиши, шубҳасиз.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

■ Жаҳолатга қарши маърифат билан

Дунё тезкор – ахборот даврида яшамоқда. Глобаллашув шароитида «Ким ахборотни эгалласа, ўша дунёни эгаллайди», деган ғоя тобора ижтимоий воқеликка айланиб борапти. Ҳозир ҳамма интернетга осонгина мобил телефон ёки компьютер тармоқлари орқали уланиб олмақда. Олам вертуаллашиб қолгандай. Исталган маълумотни ҳеч қийналмасдан осонгина топишингиз мумкин. Фойдали маълумотлар изласангиз – яхши, лекин ғоявий жиҳатдан бўш ва ёмонликни тарғиб қилувчи, миллий менталитетимизга зид бўлган вайронкор, беҳаё маълумотлар оламига кириб қолсангиз-чи? Интернет бежизга халқаро ўргимчак түри дейилмайди, ахир.

КИБЕРТЕРРОРИЗМ:

УНДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?



Афсуски, «электрондунё»дан турли сиёсий кучлар ўзларнинг террористик, экстремистик ташвиқот ва ғоялари, ўз қарашларини оммага тарғиб қилиш мақсадида асосий қурол сифатида фойдаланишмоқда. Ҳозирда дунёнинг қатор давлатларини ахборот инқилоби шароитларида вужудга келаётган глобал тармоқлар жиддий ташвишга сояпти. Бу турдаги жамиятлар, диний оқимлар, экстремистик ҳаракатдаги оммавий маданият ва психологик қарам қилувчи ўргимчак тўридир.

Сўнгги йилларда инсоният учун янги ва ўта хавфли ҳисобланган кибертерроризм муаммоси пайдо бўлди. Сайтларни ноқонуний йўллар билан бузиш орқали кибертеррорчилар турли махфий маълумотларни олиш имкониятига эга бўл-

моқдалар ва ундан биологик, кимёвий, ҳаттоки ядро қуролларини тайёрлаш технологияларини ўрганиб, кўпурувчилик ҳаракатларини амалга оширмоқдалар.

Кибертерроризм – ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралашши, компьютерда мавжуд дастурлар ёки маълумотларни мақсадли равишда йўқ қилиш, давлат органларининг муҳим қисмлари фаолиятини издан чиқариш билан бирга инсонлар ҳаётига хавф солиш, моддий зарар келтириш ёки оммавий кўрқитиш, ҳарбий низолар каби турли оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлардир.

Террорчи ташкилотлар ўз саҳифаларини кенгайтириш ҳамда ғаразли мақсадлариға эришишда техника ва интернетнинг сўнгги имконият-

ларидан устомонлик билан фойдаланишмоқдалар. Шу йўл билан террорчилик ҳаракатлари, ўз ғоя ва мафқурасини омма орасида тарқатиш билан бирга интернет фойдаланувчиларига одамларнинг таъсир ўтказиб, одамларни домига тортмоқда.

Ёшларимизни миллий истиқлол ғояси асосида тарбияласак, уларга давлатимиз стратегиясидаги устувор йўналишларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англтасаккина бизни ҳеч қандай куч енга олмайди. Шунингдек, ёшларда Ватан тақдирига масъуллик ҳиссини янада юксалтириш, бизга ёт бўлган одатлар ва қарашларга нисбатан собит эътиқодни, иммунитетни шакллантиришимиз зарур. Ана шундагина маънавий қадриятларимизни сақлаб қоламиз.

А. БЕКМУРОДОВ

ЭЗГУ ДАЪВАТГА "ЛАББАЙ" ДЕЙМИЗ

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 29 ноябрдаги 89-сонидан чоп этилган "Тошкент вилояти нуронийларининг вилоят аҳлига, нуронийлар, ёшлар, хотин-қизлар ва сув ҳўжалиги ходимларига мурожаати"ни ҳаяжон билан ўқиб чикдим. Унда жумладан шундай дейилади:

"Азалдан ота-боболаримиз сувни "обихаёт" деб эъзозлаб, ҳар том-чисини авайлаб, ардоқлашган. Сабаби, сув – тириклик манбаи, Яратганнинг инсониятга бахшида этган улўғ ва азиз неъматидир...

Олдимизда турган мақсад аниқ. Сувни тежаш ва исроф қилмаслик бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини англаган ҳолда биргаликда, ҳамжиҳатликда "Сув – текин эмас!" деган умум-халқ ҳаракатида барчамиз фаол иштирок этайлик! Токи, дарё ва ариқ-зовурларимизда тўлиб-тошиб, кўп ва ҳўб зилол сувлар оқсин! Келажакимиз эгалари – азиз фарзандларимиз, набира ва эвараларимиз бундай улўғ неъматдан баҳраманд бўлиб, Янги Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишсин!

Менимча, шу юрт, шу элнинг нури келажаги, гўзал табиати учун юраги қуядиган ҳар бир инсон бу даъватга беварфқ бўлолмас керак.

Яқинда Президентимиз расислигида қишлоқ ҳўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайитириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиздаги сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда, катта қисми қўшни давлатларда шаклланади. Иқлим ўзгариши оқибатида сув манбалари йил сайин ка-

майиб бормоқда. Трансчегаравий дарёларни бошқариш бўйича вазият ҳам жиддий. Буларнинг таъсирида 2030 йилга бориб юртимиздаги сув танқислиги 15 миллиард куб. метрга етиши тахмин қилинапти. Шуларни ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари бир йил давомида сувни тежаш бўйича фавқуллоҳ иш тизимига ўтилишини таъкидлади.

Бунда биринчи муҳим вазифа – канал ва ариқларни бетонлаш.

Иккинчи муҳим вазифа – сув тежовчи технологияларни жорий қилиш.

Учинчи муҳим вазифа –

сувни етказиш харажатларини қисқартириш...

Шулар ҳақида ўйлар эканман, улўғ ўзбек шоири Огаҳий эсимга тушади. Зеро, Огаҳий 20 ёшида Хива хони Оллоқулихон томонидан миросблик вазифасига тайинланади. Ватан равнақи учун жонини фидо этишга бел боғлаган Огаҳийнинг миросблик даври 28 йил (1829-1857 йиллар) давом этади. Хоразмда қўпгина янги каналлар қазилиб, сув иншоотлари қурилгани, воҳанинг суғориш истиқболлари борасидаги муаммоларнинг оқилона ечим топиши унинг номи билан

боғлиқдир. Огаҳий миросблик фаолияти даврида ҳам, ўз ижоди давомида ҳам барчани сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга даъват этган...

Ўртбошимиз халқимизга сувни тежаб-тергаб ишла-тиш, уни қадрига етиш борасида қатор вазифалар қўйдилар. Бунга ёшу қари "Лаббай!"деб жавоб берайлик. Токи, Яратганнинг бебаҳо неъматидан бўлган сувнинг бирор томчиси увол бўлмасин!


Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси,
меҳнат фахрийси



■ Муносабат

Кадастр агентлиги:

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН УЙ ВА ИМОРАТЛАР БУЗИЛАДИ



Кадастр агентлиги томонидан ерларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича космик съёмкалар, хариталар бор. Улар ёрдами-

Кадастр агентлиги матбуот хизмати берган маълумотга қўра, ҳужжати йўқ уйларга Кадастр ҳужжатларини қилиб бериш бошланиши ҳақидаги хабарлар тарқалганидан кейин, одамлар тезкорлик билан иморат қуриб олиб, бу уйни 5-10 йил олдин қурганман деб иддао қилсам ҳужжатлаштириб оламан, деб ўйлаб юрган бўлишлари мумкин.

да 5-10 йил, ҳатто 20 йил ортага қайтариб, текширилади. Бу жараёнда инсонлар ўзларига зарар беришлари мумкин.

"Сабаби, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик, у ерга ноқонуний қурилишни амалга оширганлик учун қо-

нунчилигимизда чоралар белгиланган. Шунинг учун бундай тоифадаги инсонлар ҳозирги кунда ўзбошимчалик билан иморат қураётган бўлса, ўз-ўзидан тўхтатишларини аёни асл ҳолатига қайтаришларини сўраймиз", – дейилади хабарда.

